

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/30.12.2019.Yu.22.02
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУЛЛАЕВА МАФТУНА МУРОТ ҚИЗИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДЛОВ
ИНСТИТУТИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.02. – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ.
Молия ва божхона ҳуқуқи

**юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy(PhD)

Абдуллаева Мафтуна Мурот кизи

Ўзбекистон Республикасида конституциявий судлов институтининг
ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш.....3

Abdullaeva Maftuna Murot kizi

The improvement of the organizational and legal framework of the constitutional
justice institute in the Republic of Uzbekistan.....24

Абдуллаева Мафтуна Мурот кизи

Совершенствование организационно-правовых основ института
конституционного правосудия в Республике Узбекистан.....42

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных научных работ
List of published scientific works.....46

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/30.12.2019.Yu.22.02
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУЛЛАЕВА МАФТУНА МУРОТ ҚИЗИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДЛОВ
ИНСТИТУТИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.02. – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ.
Молия ва божхона ҳуқуқи

**юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.3.PhD/Yu181 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tsul.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Тулътеев Ильяс Тавасович,
юридик фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Хусанов Озод Тиллабоевич
юридик фанлар доктори, профессор

Миракулов Мирафзал Миродилович
юридик фанлар доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги DSc.07/30.12.2019.Yu.22.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил 5 июнь куни соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент ш., Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй. Тел.: (998) 71-233-66-36; факс: (998) 71-233-37-48; e-mail: info@tsul.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (962-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент ш., А.Темур кўчаси, 13-уй. Тел.: (99871) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2021 йил «24» майда тарқатилди.

(2021 йил «24» майдаги 4-рақамли реестр баённомаси).

Р.Р.Ҳақимов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

И.Р.Беков

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, юридик фанлар номзоди, профессор в.б.

М.А.Ахмедшаева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, давлат ҳокимияти олдига қўйилаётган янги вазифалар ҳокимиятлар бўлиниши принципи механизмларини самарали амалга ошириш ҳамда «ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизими»да суд ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимиятидан мустақиллигини таъминлашда конституциявий назорат ва судлов институтини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, «БМТнинг 2030 йилгача эришилиши лозим бўлган 17 та Барқарор ривожланиш мақсадларидан бири сифатида одил судловга эришиш ва ҳуқуқ устуворлигини таъминлаш вазифаси» белгиланган бўлиб, мазкур мақсадларни амалга оширишда конституциявий назорат институти долзарб аҳамиятга эга¹.

Жаҳонда давлат ҳокимияти тизимида конституциявий судлов институти ролини ошириш, Конституциявий суд ваколатларини меъёрлаштириш, суд ҳокимиятининг умумий юрисдикция судлари ва конституциявий судлар ўртасида ваколатларни аниқ тақсимлаш, конституциявий судлар фаолиятининг самарадорлигини аниқ ва таъсирчан механизмларини ишлаб чиқиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни конституцияга мувофиқлигини таъминлаш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этадиган тадқиқот йўналиши сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган қоидаларни таъминлаш, «қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишга йўналтирилган суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш»² мақсадида кенг қамровли дастурий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Айниқса, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига оид халқаро стандартларни таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг роли ва ўрнини ошириш ҳамда Конституциявий судга мурожаат қилиш тартибини соддалаштириш, унинг субъектлар доирасини кенгайтириш устувор вазифалар этиб белгиланган бўлиб, ушбу вазифаларни ҳал қилиш мазкур соҳадаги қонунчиликни илғор хорижий стандартларга мослаштиришни долзарб этиб белгиламоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонуни (2021), «Судлар тўғрисида»ги Қонуни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5482-сон Фармони (2018), «Норма

¹ <http://www.un.uz/uzb/pages/display/sdgs>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил 13 февраль, 6-сон, 70-модда.

ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ–5505-сон Фармони (2018), «Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ–6012-сон Фармони (2020) ва соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши бўйича бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тадқиқот иши мавзуси билан боғлиқ айрим назарий ва амалий муаммолар миллий ҳуқуқшунос олимлар, жумладан, А.А.Азизхўжаев, М.А.Ахмедшаева, А.Б.Гафуров, Б.А.Эшонов, З.М.Исломов, А.Исмаатов, М.М.Миракулов, Б.Ш.Мирбабаев, А.З.Мухамеджанов, М.К.Нажимов, Х.Т.Одилқориев, Ф.Х.Одилқориева, Ф.Х.Отахонов, А.Х.Саидов, И.Т.Тультеев, Г.М.Тастанбекова, М.М.Файзиев, Р.Р.Ҳакимов, И.А.Ҳамедов, А.М.Ҳошимхонов, О.Т.Ҳусанов, У.Чариев, Ш.З.Ўразаев ва бошқа олимлар илмий ишларида тадқиқ этилган³. Қайд этиш жоизки, мамлакатимизда конституциявий судлов институтини ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш мавзуси докторлик диссертацияси даражасида комплекс ўрганилмаган.

Конституциявий ҳуқуқ соҳасида конституциявий судлов институти ва унинг ҳуқуқий мақоми масалалари бўйича махсус илмий тадқиқотлар МДҲ мамлакатлари ҳуқуқшунос олимларидан Г.Г.Арутюнян, К.С.Велский, Н.В.Витрук, В.Д.Зорькин, В.Е.Чиркин, В.В.Бриксов, Н.М.Колосова, В.А.Кряжков, Л.В.Лазарев, В.С.Нерсисянц, С.В.Боботов, Ж.В.Григорова, В.Т.Филиппов, Ю.М.Бердюгина, Т.Я.Хабриева, Б.А.Страшун, Т.А.Николаева, Н.М.Чепурнова, Ю.Л.Шульженколар томонидан, хорижий мамлакатларда мавзуга оид масалалар Hans Kelsen, Mila Versteeg, Katalin Kelemen, Mauro Cappelletti, John Ferejohn, Pasquale Pasquino, Stephen Gardbaum, Irving Kaufman, Tom Ginsburg, Alex Stone Sweet, Doreen Lustig, Jamal Greene, Zachary Elkins, Louis Favoreu каби олимлар томонидан тадқиқ этилган⁴.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий тадқиқот муассасаси илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Тошкент давлат юридик университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Демократик ислохотларни чуқурлаштириш шароитида давлат бошқарувини янада эркинлаштиришнинг асосий йўналишлари» мавзусидаги фундаментал лойиҳаси (2017 – 2021 й.й.) доирасида бажарилган.

³ Мазкур олимларнинг илмий ишлари диссертация ишининг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

⁴ Мазкур олимларнинг илмий ишлари диссертация ишининг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикасида конституциявий судлов институтини ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ҳокимиятлар бўлиниши тизимида конституциявий судлов институтининг мазмуни ва белгиларини ёритиш;

«конституциявий судлов», «конституциявий назорат», «конституциявий суд иш юритуви» тушунчаларига оид назарий ёндашувларни тизимли таҳлил этиш асосида уларга муаллифлик таърифини ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикасида конституциявий судлов институти ҳуқуқий асосларининг эволюциясини ўрганиш асосида босқичларга ажратиш;

давлат ҳокимияти тизимида Конституциявий суднинг конституциявий-ҳуқуқий мақоми ҳамда ўрни ва ролини аниқлаш;

конституциявий судловни амалга ошириш тартиби ҳамда ўзига хос жиҳатларини тадқиқ этиш;

хорижий мамлакатларда конституциявий судловни амалга оширишни қиёсий-ҳуқуқий таҳлил этиш асосида ижобий тажрибани миллий қонунчиликка татбиқ этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

Конституциявий суд ҳуқуқий ҳужжатларининг юридик табиатини таҳлил қилиш ва уларни такомиллаштириш борасида тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

мамлакатимизда конституциявий судлов институтининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини тадқиқ этиш ва қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистон Республикасида конституциявий судлов фаолиятини амалга ошириш жараёнида вужудга келадиган конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатларнинг конституциявий судлов соҳасидаги қонун ҳужжатлари, уларни қўллаш амалиёти ҳамда юридик фанда мавжуд концептуал ёндашувлар ва илмий-назарий қарашлардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот олиб боришда тарихий, тизимли-тузилмавий, қиёсий-ҳуқуқий, мантиқий, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, сўровнома, индукция, дедукция ва статистик маълумотлар таҳлили каби усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судида кўриб чиқиш учун масалалар киритиш ҳуқуқига эга субъектлар қаторига Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг раисини киритиш зарурлиги асосланган;

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг раисини Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди мажлисининг иштирокчилари қаторига киритиш зарурияти ва унинг кўрилаётган барча масалалар юзасидан ўз фикрларини билдириши мумкинлиги асосланган;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ваколатлари қаторига Олий суд раисининг муайян ишда қўлланилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига судлар ташаббуси билан киритилган мурожаати ҳақидаги тақдимномасини кўриб чиқишини киритиш зарурияти асосланган;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг қонунларни шарҳлаб беришни талаб этувчи масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига тақдимномалар киритиши зарурлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

«Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонунга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар асосланган;

Ўзбекистон Республикасининг «Конституциявий суд иш юритуви тўғрисида»ги Қонунни ишлаб чиқиш зарурияти асосланган;

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига мурожаат этиш тартибини такомиллаштириш, шунингдек, тушунтириш ва шарҳлашга доир ҳужжатлар устидан шикоят қилиш ҳамда хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаси асосида Ўзбекистон қонунчилигида конституциявий шикоят институтини жорий этишга қаратилган таклифлар илгари сурилган;

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг давлат ҳокимиятининг бошқа органлари билан муносабатларини такомиллаштиришга йўналтирилган таклифлар ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раис ва унинг ўринбосарини қўшган ҳолда Конституциявий суднинг тўққиз нафар судьясидан иборат бўлишига оид таклиф илгари сурилган;

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди судьясининг ваколат муддати биринчи марта сайланганида беш йилни, иккинчи марта сайланганда ўн йилни ташкил этишига оид таклиф ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган усуллар, унинг доирасида фойдаланилган илмий-назарий ёндашувлар расмий манбалардан олингани, халқаро тажриба ва миллий қонунчилик нормаларининг ўзаро таҳлил қилинган, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, натижаларнинг етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилингани, ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар асосида конституциявий назорат ва судлов фаолияти юзасидан илмий тадқиқотлар олиб боришда, шунингдек, «Конституциявий ҳуқуқ», «Давлат ва ҳуқуқ назарияси», «Конституциявий назорат ва конституциявий одил судлов» каби ҳуқуқий фанларини ўқитиш ва методик тавсиялар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда, шунингдек Конституциявий суднинг амалиётида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Конституциявий судлов институтининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари тадқиқоти хулосаларидан олинган қуйидаги натижалар асосида:

Конституциявий судда кўриб чиқиш учун масалалар киритиш ҳуқуқига эга субъектлар қаторига Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг раисини киритиш бўйича таклифдан Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 17 мартдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-612-сон Қонунига асосан Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Конституциявий Қонуннинг 25-моддаси биринчи қисмига қўшимча киритишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2020 йил 10 декабрдаги №05/1-01-259а-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалга оширилиши Конституциявий судда кўриб чиқиш учун масалалар киритиш ҳуқуқига эга субъектлар ҳамда суд мажлисининг иштирокчилари доирасини кенгайтиришга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг давлат молиявий назоратини амалга оширишдаги ҳуқуқларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг раисини Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди мажлисининг иштирокчилари қаторига киритиш зарурияти ва унинг кўрилаётган барча масалалар юзасидан ўз фикрларини билдириши ҳақидаги таклифдан Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 17 мартдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-612-сон Қонунига асосан Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Конституциявий Қонуннинг 27-моддасига қўшимча киритишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2020 йил 10 декабрдаги №05/1-01-259а-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалга оширилиши Конституциявий судда кўриб чиқиш учун масалалар киритиш ҳуқуқига эга субъектлар ҳамда суд мажлисининг иштирокчилари доирасини кенгайтиришга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг давлат молиявий назоратини амалга оширишдаги ҳуқуқларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ваколатлари қаторига Олий суд раисининг муайян ишда қўлланилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига судлар ташаббуси билан киритилган мурожаати

ҳақидаги тақдимномасини кўриб чиқишни киритишга оид таклифдан Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 майдаги «Баъзи давлат органларининг фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-536-сон Қонунига асосан Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонунининг 17-моддаси иккинчи қисмига қўшимча киритишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2020 йил 10 декабрдаги №05/1-01-259а-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалга оширилиши Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ваколатларининг кенгайишига ҳамда Конституциявий суд томонидан муайян ишда қўлланилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлиги тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш тартибини аниқлаштиришга хизмат қилган;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг қонунларни шарҳлаб беришни талаб этувчи масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига тақдимномалар киритиши бўйича таклифдан Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонунининг 26-моддасининг ўн биринчи хатбошисига қўшимчалар ишлаб чиқиш жараёнида фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2020 йил 10 декабрдаги №05/1-01-259а-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалга оширилиши қонун ҳужжатларини қўллаш чегараларини аниқлаш ва уларни шарҳлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг Конституциявий судга тақдимнома киритиш ваколатини жорий этишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий илмий хулоса ва натижалари республика ҳамда халқаро даражадаги илмий-амалий ўқув семинарлари, конференциялар ва давра суҳбатларида, жумладан 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий конференция ҳамда давра суҳбатларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, шу жумладан, ОАКнинг диссертация асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган нашрларда 8 та мақола (шундан 1 та мақола хорижий журналларда) 1 та рисола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Илмий тадқиқот иши кириш, 9 параграфдан иборат бўлган уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва илова қисмларидан иборат бўлиб, унинг ҳажми 153 бетни (адабиётлар рўйхати ва иловаларсиз)ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мавзунинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан алоқаси, унинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Конституциявий судлов институтининг назарий-ҳуқуқий тавсифи»** деб номланиб, Конституциявий судлов институтининг вужудга келиши ва тарихий ривожланиши, Конституциявий судлов институтининг тушунчаси, мазмун-моҳияти, белгилари ҳамда Ўзбекистон Республикасида конституциявий судлов институтининг ҳуқуқий асосларининг шаклланиши ва ривожланишининг босқичлари масалалари тадқиқ этилган.

Диссертант томонидан ушбу боб доирасида дунёда англо-саксон ва романа-герман ҳуқуқий тизимининг ўзаро яқинлашуви жараёнида суд амалиётининг, хусусан Конституциявий суд қарорларининг роли ва аҳамияти кучайиб бораётганлиги назарий-ҳуқуқий таҳлил этилган ҳамда Ўзбекистонда конституциявий судлов соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштиришда конституциявий назорат моделларининг тарихий ривожланиши ва концептуал асосларига таяниш зарурлиги ҳақида хулосага келинган.

Муаллифнинг фикрича, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш бугунги кунда дунё мамлакатлари томонидан конституциянинг доимий мониторинги – конституциявий назоратнинг кенг миқёсида қабул қилинишига ва қўлланилишига сабаб бўлган.

Муаллифнинг фикрича, Ўзбекистонда конституциявий назорат европа моделига хос бўлиб, қуйидаги хусусиятларни ўзида акс эттиради: 1) ҳокимиятлар бўлиниши принципи, ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини таъминлаш мақсадида Ўзбекистонда конституциявий назоратни амалга ошириш учун алоҳида органнинг ташкил этилганлиги; 2) Асосий қонуннинг қоидалари ва низолашилаётган ҳужжат ўртасидаги муаммога кенгроқ ёндашилиши; 3) фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишни сўраб Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқини берилганлиги; 4) ҳали имзоланмаган, кучга кирмаган ҳужжатлар устидан қўлланиладиган «ex-ante» амалиётининг мавжудлиги; 5) конституциявий назорат органи, қоида тариқасида, ҳуқуқ профессорлари, олий мартабали давлат мансабдор шахслари, бошқа малакали юристлардан сайланиши (тайинланиши); 6) конституциявий назорат органининг ҳуқуқий

ҳолати, уларнинг ваколатлари ва фаолияти тартиби конституция ва махсус қонунлар билан тартибга солиниши; 7) конституциявий назорат органлари конституциявийлигини аниқлаш юзасидан мурожаат мавжуд бўлмаган ҳолатларда ҳам конституциявийлик масаласини (мавҳум назорат) кўриб чиқиши мумкинлиги.

Диссертантнинг таъкидлашича, конституциявий судлов институтини тадқиқ этиш, авваламбор, конституциявий назорат ҳамда конституциявий судлов тушунчаларининг моҳиятини очишни тақозо этади.

Муаллиф томонидан конституциявий назорат ҳамда конституциявий судлов масалалари бўйича ҳуқуқшунос олимлар (М.Сappelletti, J.Grossman L. Favoreu, В.Е.Чиркин, Х.Т.Одилқориев)нинг фикр ва мулоҳазалари таҳлил қилинган, илмий мунозарага киришилган ҳолда конституциявий назорат ҳамда конституциявий судловнинг моҳиятини ёритишда у ёки бу белгига (ваколат ва ҳ.к.) урғу берилганлиги, конституциявий назорат ва конституциявий судлов тушунчасига нисбатан таърифларнинг турлича эканлигини қайд этган ҳолда, конституциявий назорат, конституциявий судлов ва конституцияни муҳофаза этиш тушунчаларига муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилган.

Диссертантнинг фикрича, конституциявий назорат – конституциявий судловни амалга оширишнинг асосий шакли бўлиб – ваколатли давлат органининг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият ҳужжатларининг конституцияга мувофиқлигини текшириш, ҳокимиятнинг конституциявий бўлинишини сақлаш, конституцияда мустаҳкамланган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлаш билан боғлиқ доимий назорат фаолиятидир.

Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга ошириладиган конституциявий назорат ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий судининг идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиши қиёсий таҳлил қилинган ҳамда Конституциявий суд томонидан амалга ошириладиган конституциявий назоратнинг куйидаги асосий белгилари алоҳида ажратиб кўрсатилган: 1) конституциявий назорат орқали жамиятда шаклланган кадриятлар тизимини муҳофаза этиш; 2) конституциявий нормаларни амалга оширилиши устидан назоратни таъминлаш ва конституциявий назорат органи томонидан конституцияга мос келмайдиган норматив-ҳуқуқий ҳужжат аниқланган тақдирда ўз қарори билан уларни ҳаракатдан тўхтатиш ёки тегишли идорага бундай ҳужжатларни конституцияга мувофиқлаштириш тўғрисида тавсия бериш; 3) ҳокимият ваколатларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлиб, доимий фаолият юритувчи махсус (ёки махсус бўлмаган) давлат органи томонидан амалга оширилиши; 4) конституциявий назорат органлари томонидан (ёки мазкур органларнинг хулосаси асосида) конституциявий режимни бузган давлат органларига конституциявий жавобгарлик чораларини қўллаш ваколати мавжудлиги.

Муаллиф конституциявий судловни тушунишдаги муаммоларни таҳлил қилиб, «конституциявий судлов» – конституциявий назоратни судлов тартибида амалга оширишнинг шакли ҳисобланиб, Конституциясининг устунлигини, қонун чиқарувчи ҳамда ижро этувчи ҳокимиятнинг ҳужжатларида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари устуворлигига доир конституциявий принципнинг ва Конституция ва бошқа нормаларининг рўёбга чиқарилишини таъминлашга даъват этилган ҳамда белгиланган тартиб-таомил асосида конституциявий назоратни амалга оширишга қаратилган судлов жараёнининг умумий ифодаси деб изоҳлайди.

Тадқиқотчи Ўзбекистонда конституциявий судловнинг ҳуқуқий асослари такомиллашувидан келиб чиқиб, мазкур институт ривожланишини уч босқичга бўлиб ўрганишни таклиф қилади: биринчи босқич (1990-1995 й.) конституциявий судлов Ўзбекистон Республикаси Конституциявий назорат комитети томонидан амалга оширилганлиги ҳамда конституциявий назорат органининг давлат механизмида, хусусан ҳокимият тармоқлари тизимида ўрни ва ролига эга бўлиши ҳамда фаолият юритишининг ҳуқуқий асослари шаклланиши билан боғлиқ. Иккинчи босқич (1995-2017 й.) Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг ташкил этилганлиги ҳамда ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги қонун янги таҳрирда қабул қилиниши, мазкур қонун билан Конституциявий суднинг сайланиш тартиби, фаолиятининг асосий принциплари, ваколатлари доираси, судьяларнинг мақоми, Конституциявий судда иш юритишнинг асосий қоидалари белгилаб берилганлиги билан боғлиқ. Учинчи босқич (2017 ва ундан кейинги йиллар) Конституциявий суднинг мустақиллигини янада мустаҳкамлаш мақсадида дастлабки назоратнинг жорий этилиши, конституциявий судга масала киритиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар доираси кенгайтирилиши ҳамда фуқаролар ва юридик шахсларнинг конституциявий ҳуқуқлари бузилганлиги устидан шикоятлар бўйича муайян ишда қўлланилган қонуннинг Конституцияга мувофиқлигини аниқлаш тўғрисидаги ишларни юритиш амалиётининг киритилиши ҳамда Конституциявий суд судьяларининг халқаро стандартлар асосида сайлаш амалиётини жорий этилиши билан характерланади.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Ўзбекистон Республикаси конституциявий судлов институтининг ҳуқуқий тавсифи**»га бағишланган бўлиб, тўрт параграфни ўз ичига олган. Мазкур бобда конституциявий судлов субъектининг ҳуқуқий мақоми, конституциявий судлов предмети ва доираси масалалари, конституциявий судловни амалга ошириш тартиби ва ўзига хос хусусиятлари, конституциявий суд ҳуқуқий ҳужжатларининг юридик табиати тадқиқ қилинган.

Диссертантнинг фикрича, конституциявий судлов субъекти тушунчаси орқали конституция нормалари асосида ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлган ва уларни конституциявий суд ишларини юритиш жараёнида амалга оширадиган давлат органи ёки мансабдор шахс тушунилади. Шу маънода, Ўзбекистон

Республикасида Конституциявий суд, Қорақалпоғистон Республикасида Конституциявий назорат қўмитаси конституциявий судлов субъектларидир.

Изланувчи томонидан хорижий мамлакатлар (Португалия, Россия Латвия)нинг қонунчилиги таҳлили, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонун ҳужжатлари ҳамда шаклланган амалиётдан келиб чиқиб, Конституциявий суднинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият ҳужжатларининг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш билан бир қаторда, бошқа ваколатларини ҳам эътиборга олиб, амалдаги қонунчиликда Конституциявий суднинг ҳуқуқий мақомига муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган.

Тадқиқотчининг фикрича, Конституциявий суд ўзининг ҳуқуқий мақоми ҳамда функцияларига мувофиқ давлат органи хусусиятларига эга ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг конституцияга мувофиқлигини назорат қилувчи судлов органидир. Шунингдек, изланувчи томонидан конституциявий судларнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасида мувозанатни таъминлаш, қонунчилик, сиёсий низоларни ҳал қилиш функциялари мавжудлиги тўғрисида хулосага келинган.

Тадқиқотчи Конституциявий суднинг бошқа давлат органлари билан муносабатлари унинг ҳуқуқий мақомини белгилашда муҳим аҳамият касб этишини эътироф этади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Қонунга Конституциявий суднинг давлат ҳокимиятининг бошқа органлари билан ўзаро муносабатларини тартибга солувчи қоидалар киритилиши ва бунда Конституциявий суднинг Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, айниқса Ўзбекистон Республикаси Олий суди билан ўзаро муносабатларини мустаҳкамлаш лозим деган фикрни илгари суради.

Муаллиф томонидан Конституциявий суднинг конституциявий судлов ишларини юритиш амалиётини умумлаштириш натижалари юзасидан ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ва Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдим этадиган мамлакатдаги конституциявий қонунийликнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотининг мазмунини белгилаш таклиф этилган.

Шунингдек, изланувчи хорижий мамлакатлар (Испания, Португалия, Туркия, Германия, Руминия, Грузия) тажрибасидан келиб чиқиб, Конституциявий суд томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг муайян ишда қўлланилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлиги тўғрисида судлар ташаббуси билан киритилган мурожаатини кўриб чиқишнинг аниқ тартиб-таомили ҳамда муддатларини белгилаш мақсадга мувофиқ деган хулосага келган.

Диссертантнинг фикрича, истиқболда хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаси, шаклланган амалиёт ҳамда бугунги кунда конституциявий судлов

институтларининг ривожланиш тенденцияларидан келиб чиққан ҳолда, судлар томонидан муайян ишда қўлланилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлиги тўғрисида масалалар юзасидан тўғридан-тўғри Конституциявий судга мурожаат қилиш амалиётини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Тадқиқотчи Қорақалпоғистон Республикаси Конституциявий назорат органи Конституциявий назорат қўмитаси фаолиятини таҳлил қилган ҳолда, Қўмита ваколатлари мазмунан Конституциявий судларнинг фаолиятига яқинлиги шунингдек, Россия Федерацияси таркибидаги Бошқирдистон, Доғистон, Ингушетия Республикалари сингари субъектларда ҳам конституциявий назорат органлари Конституциявий суд мақомига эгаллиги ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланишини эътироф этиб, Қорақалпоғистон Республикаси Конституциявий назорат қўмитасини Конституциявий суд сифатида ташкил этиш тўғрисида таклифни илгари суради.

Диссертант томонидан конституциявий судлов объекти юзасидан ҳуқуқшунос олимларнинг (А.Нардин, Т.Шариф, В.В.Бриксов) ёндашувлари таҳлил қилиниб, конституция, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, халқаро шартномалар ҳамда суд қарорларининг конституцияга мувофиқлиги конституциявий судлов объектидир деган хулосага келинган. Шунингдек, конституциявий судлов объекти ҳар бир давлат миллий қонунчилик тизимининг ўзига хос хусусиятларига боғлиқ бўлиб, конституция, қонунлар, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, халқаро шартномалар, суд қарорлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг қарорлари, партия қарорлари, жамоат бирлашмаларининг қарорлари конституциявий назорат объекти ҳисобланади.

Изланувчи хорижий давлатлар (Франция, Руминия, Россия, Украина) тажрибасидан келиб чиқиб, нафақат конституциявий қонунларнинг балки, жорий қонунларнинг ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг сўровига мувофиқ Конституциявий суд томонидан дастлабки назорат тартибида текшириш амалиётини жорий этиш бўйича таклифлар илгари сурган.

Тадқиқотчи миллий ва хорижий олимлар фикрларини, шунингдек ривожланган давлатлар қонунчилиги тажрибасини ўрганган ҳолда Конституциявий суд томонидан қонунчиликдаги бўшлиқларни баратараф этишга оид ишларни кўриб чиқиш, бу хусусида қарор қабул қилиш ҳамда тегишли давлат органи ёки мансабдор шахсга мазкур қарорни юбориш амалиётини йўлга қўйиш бўйича таклифни илгари суради.

Муаллиф томонидан конституциявий суд иш юритуви тушунчасини аниқлаштириш, қонун ҳужжатларида мазкур тушунчанинг мазмуни ҳамда бошқа жиҳатларини очишга эҳтиёж мавжудлиги таъкидланган. Диссертантнинг фикрича, Конституциявий суд иш юритуви Конституция, қонунлар ҳамда Конституциявий суд регламенти билан белгиланган конституциявий суд

ваколатларига таалуқли ишлар ва масалаларни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш тартиб таомилдир.

Изланувчи конституциявий суд иш юритувини такомиллаштириш ҳамда соддалаштириш мақсадида Европа адолат суди ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди Суд процессуал қоидаларининг тажрибаси таҳлили асосида ёзма (соддалаштирилган) иш юритиш тартиб таомилини қонунчиликка жорий этиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулосага келади.

Диссертантнинг фикрича, конституциявий ҳуқуқ назарияси, шунингдек қонунчилик ҳамда шаклланган амалиётдан келиб чиқиб, конституциявий суд ҳужжатларининг бошқа суд органларининг ҳужжатларидан фарқ қилувчи, асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- 1) Конституциявий суд ҳужжатларининг нормативлиги (умуммажбурийлиги);
- 2) Конституциявий суд ҳужжатларининг қатъийлиги (рад этилмаслиги) ҳамда улар устидан шикоят қилиш мумкин эмаслиги;
- 3) Конституциявий суд ҳужжатининг ижро этилиши шартлиги;
- 4) Конституциявий суд томонидан мурожаат предмети юзасидан қарор қабул қилинган бўлса, ишни қайта кўриб чиқилмаслиги (Конституциявий суд қарорини қайтадан кўриб чиқиш асослари мавжуд бўлган ҳоллар бундан мустасно);
- 5) норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг бутунлай ёки айрим қисмларини номувофиқлигини акс эттириш.

Диссертациянинг учинчи боби «Ўзбекистон Республикасида **конституциявий судлов институтини такомиллаштириш масалалари**» деб номланиб, ушбу боб ривожланган хорижий мамлакатлар конституциявий судлов органларини ташкил этиш ва фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари, конституциявий судлов институтининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган.

Диссертантнинг фикрича, хорижий мамлакатлар тажрибаси таҳлили асосида ҳокимиятлар бўлиниши тизимида конституциявий судлов институти ўрнини аниқлаштириш, Конституциявий суд ваколатларини меъёрлаштириш, Конституциявий суднинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар тизимида ўзаро бир-бирини тийиб туриш тизимини ривожлантириш, умумий юрисдикция судлари ва конституциявий судлар ўртасида ваколатларни аниқ тақсимлаш ҳамда Конституциявий суд судьялари ҳамда ходимларининг мустақиллиги ҳамда фаолияти кафолатларини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Изланувчи томонидан сайлов ва унинг қонуний ўтказилишини таъминлаш конституциявий масала ҳисобланишидан келиб чиқиб, хорижий давлатлар (Австрия, Германия, Франция, Литва, Молдова, Греция, Қозоғистон)нинг тажрибасини таҳлил қилган ҳолда сайлов ва уни ўтказишнинг конституциявийлиги масаласи ҳамда сайлов натижаларининг қонунийлиги юзасидан ишларни кўриш Конституциявий суд томонидан кўрилиши лозим деган хулосага келинган.

Тадқиқотчи хорижий давлатлар (Франция, Германия, Хорватия, Корея Республикаси, Австрия, Италия, Испания)нинг илғор тажрибасини таҳлил

қилган ҳолда, мамлакатимизда Конституциявий суд органининг мустақиллигини таъминлаш ҳамда судьяларнинг касбий нуфузини ошириш мақсадида Конституциявий суд судьяларининг ваколат муддатини узайтириш мақсадга мувофиқлиги, шунингдек, Конституциявий суд аъзолари сони ҳамда судьяларга бириктириладиган экспертларнинг малакаларига қўйиладиган талабларни қайта кўриб чиқиш лозимлиги ҳамда конституциявий суд иш юритуви жараёнида электрон мурожаатлар билан ишлаш тизимининг йўлга қўйилиши бўйича таклифларни илгари сурган.

Муаллиф томонидан *конституциявий шикоят* институти бўйича хорижий давлатлар (Германия, Франция, Польша, Латвия, Озарбайжон) тажрибаси таҳлил қилинган ҳамда фуқаролар ва юридик шахсларнинг конституциявий ҳуқуқлари бузилганлиги тўғрисидаги шикоятлар бўйича муайян ишда қўлланилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг конституциявийлигини аниқлаш тўғрисида иш юритиш тартиб-таомили тадқиқ этилган. Муалифнинг фикрича, Ўзбекистонда конституциявий шикоят институти жорий этиш конституциявий одил судловнинг аҳамиятини сезиларли даражада оширади.

Муаллиф томонидан Европа Кенгаши Венеция комиссиясининг хулосалари ҳамда конституциявий шикоят институти қўллаш бўйича Германия, Озарбайжон сингари давлатлар тажрибаси таҳлил қилинган ҳамда Ўзбекистонда тўлиқ конституциявий шикоят – *норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг* конституциявийлигини аниқлаш бўйича конституциявий шикоятни жорий этиш таклиф этилган.

Тадқиқотчи томонидан истиқболда миллий қонунчиликда фуқаролар ва юридик шахсларнинг конституциявий ҳуқуқлари бузилганлиги тўғрисидаги шикоятлар бўйича муайян ишда қўлланилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг конституциявийлигини аниқлаш тўғрисидаги ишларни юритиш тартибини жорий этиш (конституциявий шикоят) асосида Конституциявий судга арзимаган важлар билан асосиз мурожаатларнинг олдини олиш мақсадида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш учун давлат божи белгилаш лозимлиги, бу Конституциявий суд фаолиятида иш юкламаларини асосиз равишда ошиб кетишини олдини олишга хизмат қилиши таъкидланган.

Изланувчи амалдаги қонунчиликда *конституциявий судлов, конституциявий суд иш юритуви, конституциявий шикоят, Конституциявий судга масала киритиш ҳуқуқи* билан боғлиқ асосий тушунчаларни мазмунини ақс эттириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Диссертант томонидан фуқаролар ўртасида ўтказилган сўровнома натижасига кўра, «Сиз Конституциявий суд ва унинг фаолияти хусусидаги доимий янгиликлардан хабардормисиз? Хабардор бўлсангиз қандай воситалар орқали?» деган саволга сўровномадан қатнашган респондентларнинг қарийб 43 %и «йўқ, фаолияти тўғрисида деярли маълумот учрамайди», деб жавоб берганлиги ҳамда «Сизнингча Конституциявий суднинг расмий веб-сайтидан фаолиятига доир керакли

ҳамда тўлиқ маълумотларни олиш мумкинми? » деган саволга респондентларнинг қарийб 45 %и «Конституциявий суднинг расмий веб-сайти борлигидан хабарим йўқ» деб жавоб берганлиги учун Конституциявий суднинг расмий веб-сайти орқали электрон тизим тартибда мурожаат этиши тизимини йўлга қўйиш (Германия, Россия, Австрия), статистик маълумотларни ҳамда суд фаолияти иш тартибига оид маълумотларни тизимли равишда равишда ёритиб бориш муҳим эканлиги асослантилган. Шунингдек, Конституциявий суд мажлисларини ахборот-телекоммуникация тармоғи – интернетда тўғридан-тўғри эфирга узатиш амалиётини йўлга қўйиш тўғрисида таклиф илгари сурилган.

ХУЛОСА

Ўзбекистон Республикасида конституциявий судлов институтининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини конституциявий ҳуқуқ фани нуқтаи назаридан қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш ҳамда тадқиқот олдига қўйилган вазифаларни ҳал этиш натижалари қуйидаги илмий-амалий хулосаларга келишга ҳамда қонунчиликни такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсияларни илгари суришга асос бўлди.

І. Илмий-назарий хулосалар

1. Қуйидаги тушунчаларга муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилди:

конституцияни муҳофаза этиш – конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини барпо этиш, конституциявий назоратни амалга ошириш орқали Конституциянинг устунлигини ҳамда давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятида жамият ва фуқаролар олдидаги масъуллигини таъминлашга қаратилган фаолиятдир.

конституциявий назорат – конституциявий назоратни амалга оширишга ваколатли орган томонидан амалга ошириладиган қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият ҳужжатларининг конституцияга мувофиқлигини текшириш, ҳокимиятнинг конституциявий бўлинишини сақлаш, конституцияда мустаҳкамланган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлаш билан боғлиқ доимий назорат фаолиятдир.

конституциявий судлов – Конституциясининг устунлигини, қонун чиқарувчи ҳамда ижро этувчи ҳокимиятнинг ҳужжатларида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари устуворлигига доир конституциявий принципнинг ва Конституция нормаларининг рўёбга чиқарилишига ҳамда белгиланган тартиб-таомил асосида конституциявий назоратни амалга оширишга қаратилган судлов жараёнининг умумий ифодаси.

2. Конституциявий судлов институтини таҳлили асосида конституциявий назоратнинг қуйидаги белгилари санаб ўтилади:

